

МАҚТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНСТИТУТЦИСИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ.

Урганч РАНЧ технология университети “Мақтабгача таълим психологияси ва педагогикаси” қундузги таълим йўналиши 2301-гуруҳ талабаси
Алимова Умида Жумабой қизи.

Аннотация: Ушбу мақола, мақтабгача ёшдаги болаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан таништириш ва мақтабгача ёшдаги болаларни ҳам ҳуқуқлари Қонун томонидан ҳимоя қилиниши ва уларни таълим олиш, соғлиқларини муҳофаза қилиш Қонун томонидан белгилаб берилган эъқонлигини ўргатиб бориш.

Аннотация: данная статья познакомит детей дошкольного возраста с Конституцией Республики Узбекистан и научит их тому, что их права также защищены законом и что их образование и охрана здоровья определяются законом.

Annotation: this article will introduce children of up to praise age to the Constitution of the Uzbek Republican and teach children of up to praise that their rights are also protected by law and that their education, health protection is determined by law.

Қалит сўзлар: Ҳуқуқ, болалар, Қонун, давлат, модда, Қонституция, фуқоролар, Республика, ёш авлод, шакллантириш.

Ключевые слова: закон, дети, законоположение, государство, статья, Конституция, граждане, республиканец, молодое поколение, восклицательный знак.

Key words: law, children, legislation, state, article, Constitution, citizens, Republican, younger generation, exclamation mark.

Ўзбекистон Республикасида яшайдиган барча фуқоролар бугунги кунда ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаган ҳолда ҳаёт кечирмоғи дарқол. Бугунги кунда давлатимизда жуда қатта ўзгаришлар содир бўляпти. Ҳар битта соҳага алоҳида этибор қаратилмоқда, шу жумладан янги фармон қарорлар имзоланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш, уни юқори ўринларга олиб чиқиш масалалари билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини таълимий мақсад ва вазифаси-адолатли жамиятни шакллантириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, Конституция жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамити, ёш авлодни ҳуқуқий онг ва юқсақ манавият билан шакллантириш. Инсонни барча ҳуқуқлари Давлат ва Конституцияци томонидан белгилаб кўрсатилинган.

Мақтабгача талим ташкилотида болаларни Давлат Қонститутцияси билан таништириш нега керак? Ҳар бир ўсип келаётган ёш авлод бугунги кунда ўзининг ҳуқуқларини тўлақонли билишга ҳақли негаки. Биз демократик Давлатда яшаётган эканмиз, ҳар битта фуқоро миллати, ирқи, тили, дини, тана ранги, жинси, мол- мулки, табақаси ва қелиб чиқиши қайердан бўлишидан қатъий назар шу давлатни фуқороси барчаси тенг ҳуқуқли ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Қонститутциясининг 2- моддасида белгилаб кўрсатиб ўтилган. Биз билимларни болага Мақтабгача ёшдананоқ тушунтирип, бу борада билимлар бериб боришимиз лозим ҳисобланади. Бунда турли ҳил машғулотлардан, ўйинлардан, Қонститутциямизга бағишланган тадбирлардан фойдалансақ бўлади. “Илк қадам” давлат ўқув дастуридан фойдаланга ҳолда. “Илк қадам” давлат ўқув дастурида 4- иловада Намунавий йиллик мавзули режада берилади. Бунда Декабр ойининг 1 чи ҳафтасида 5-6 ёшли ҳамда, 6-7 ёшли болалар орасида “Ўзбекистон Республикаси Қонститутциясига” бағишланган кун тадбири ўтказилиши белгилап берилган.[5]

Мақтабгача ёшдаги болаларни Қонститутция билан таништиришнинг мақсади:

- болаларни эркин шахс қилиб тарбиялаш;
- Ўзбекистон Респцблиқаси Қонун қоидаларига амал қилган ҳолда тарбиялаш;
- ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англай олиши.

2023 йил 30- апрелда Ўзбекистон Республикаси Қонститутциясига янги ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, янги таҳрирдаги Қонститутциянинг 44- моддасига кўра, боланинг соғлиғига, ҳавсизлиғига, ҳулқ- атқорига, жисмоний ва ақлий ривожланишига, ҳавф солувчи, унинг таълим- тарбия олишига тўсқинлик қилувчи, болалар меҳнатининг ҳар қандай шакли Қонун томонидан тақиқланади. Шунингдек, Қонститутциямизда таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланади. Бу эса ногиронлиги бор бўлган болаларни ҳеч қимдан қам эмаслигини ва улар ҳам таълим- тарбия олиш ҳуқуқига эгаллигини кўрсатади. Мақтабгача ёшдаги болаларга ногиронлиги бўлган тенгдошларини мазаҳ қилмаслиги уларни қамситмаслик лозим эканлигини ва бу Қонститутцияда берилганлиги тушунтирип ўтишимиз лозим. Ногиронлиги бор инсонлар ҳам жамиятимизнинг бир азоси ҳисобланади, биз уларни ўстидан қулишга ҳаққимиз йўқ, уларни ҳуқуқлари ҳам Қонун томонидан белгилаб қўрсталиб қўйилганлигини бизлар, педагоглар ва тарбиячилар болаларга тушинтиришимиз дарқор. Барча болаларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини таъминлаш мақсадида Қонститутциянинг 78- моддасинда шундай деб айтилган. Фарзандлар ва ота- онасининг насл- насаби ва фуқоролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида

тенглиги, боланинг эркинлиги, ҳақ- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни жисмонан соғлом ва манан этуқ шахс қилип тарбиялаш, ҳамда ҳимоя қилиш, энг яхши шарт- шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилган. [4]

Болаларни Қонституция билан таништиришда турли ҳил кўргазмали материаллардан фойдаланиш мумкун. Болаларга Қонституциямизни янада чуқурроқ онгига сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Илк ва Мақтабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган “Давлат талаблари”да белгиланган “Ривожланиш марказлари” да “Сюжетли- рўлли ўйинлар ва драммалаштириш марказлари”да. Болаларни Қонституцияга бағишланган турли ҳил сюжетли- рўлларни ўйнаш орқали болани онгига яхши сингдиришимиз мумкун. Масалан: бир бола йўлда машинада тезликни оширип кетяпти, йўлда турган милициянер мошинани тўхтатиб, нега тезликни оширганини сўрап, унга чиройли тушунтириш ишларини олиб бориб Қонунда белгиланган тартип қоидаларга қатъий риоя қилишни айтип ўтиши керак бўлади. Бу орқали болаларда тартип интизом ва Қонун қоидаларга риоя қилиш кўнимларини шакллантиришга ёрдам беради.

Хулоса, қелажақ авлодни ҳар томонлама этуқ шахс сифатида тарбиялаш уларга ўз ҳуқуқларини англай олишда қўмақлашиши, Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси билан таништир, ҳамда Қонун қоидаларга риоя қилиш улар учун фойда эканлиги тушинтирип бориш лозим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мақтабгача ёшдаги болалар та’лим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари- Т.: Ўз ПФИТИ, 1999.- 23 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Та’лим тўғрисида”ги Қонуни / Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. Б. 31-61.
3. Мақтабгача та’лимнинг давлат стандарти. – Т.: ЎзПФИТИ, 1995. – 39 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси (Янги таҳрири) 44- модда.
5. “Илк Қадам” давлат ўқув дастури 4- илова.